


Ҳафталик бозор шарҳи

Маҳаллий ва глобал молия бозорлари



Валюта бозори


Валюта жуфтлари	30 январь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
USD/UZS	12 199,1	0,5%	1,4%	-6,0%
EUR/UZS	14 585,2	2,8%	3,0%	7,7%
CNY/UZS	1 756,5	0,8%	2,3%	-1,8%
RUB/UZS	160,5	0,3%	3,4%	20,6%
JPY/UZS	79,6	4,0%	3,4%	-4,7%



Сўмнинг ўсиши


Ўтган ҳафтада сўм курси кетма-кет беш кун кўтарилиб, 1 АҚШ доллари **12 225** сўмни ташкил этди. Валюта курсининг кўтарилишига импорт қилувчиларнинг барқарор талаби фонида ички валютага бўлган талаб ва таклифнинг номуносиблиги сабаб бўлди. Шу билан бирга, курс ўсишининг тезлашиши ой якуни билан биргаликда савдолар ҳажмининг пасайишига олиб келди, бу эса иштирокчиларнинг кутиш позициясини ва бозор фаоллигининг мавсумий пасайишини акс эттиради.

Пул бозори



Ликвидлик динамикаси

29 январь ҳолатига ликвидлик ва мажбурий захиралар меъёри ўртасидаги фарқнинг кескин ўсиши Марказий банкнинг ликвидликни жалб қилиш инструментларидан мажбурий захиралар талабларини бажариш учун корреспондент ҳисобварақларига маблағлар келиб тушаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ўртачалаштириш даври якунининг яқинлашиши (4 февраль) ва ҳисобот ойнанинг тугаши нормативларга риоя қилиш ва ҳисоб-китобларни яқунлаш мақсадида маблағларнинг ҳисобварақларда тўпланишини тезлаштириши мумкин.



Ставкалар барқарор



UZONIA ва дилерлараро **РЕПО** ставкалари **13,5-13,6** фоизгача пасайгандан сўнг тикланиб, асосий ставка даражасига (14 фоиз) яқин даражада сақланиб қолди, бу эса пул бозорининг мувозанатли ҳолатини кўрсатди. **2026 йил 1 январдан** бошлаб Марказий банкда захиралар **(ФОР)** шакллантириладиган **янги киритилган мажбуриятлар базаси 15%дан 20%га** ошди, шу билан бирга, хорижий валютадаги мажбурий захиралар меъёрлари **9,5%дан 8,5%га** камайди.

Давлат қимматли қоғозлари бозори

Иқтисодийёт ва молия вазирлигининг ғазначилик мажбуриятларини қўшимча жойлаштириш бўйича аукцион **27 ва 29 январь** кунни бўлиб ўтди. Иқтисодийёт ва молия вазирлиги томонидан муомала муддати **3 йил** бўлган қимматли қоғозлар жойлаштирилган бўлиб. ДҚҚлар бўйича ўртача тортилган ставка мос равишда **13,51%** ва **13,33%** ни ташкил этди. Марказий банк облигациялари бўйича аукцион 29 январь кунни бўлиб ўтди. Марказий банк облигациялари савдоси якунларига кўра, **25 та дилер** иштирок этди, келиб тушган аризаларнинг умумий ҳажми **40,5** трлн. сўмни, ўртача тортилган ставка **14,00** фоизни ташкил этди.

Жойлаштириш санаси	Идентиф. рақами	Муомала даври	Эълон қилинган ҳажм (минг дона)	Буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Қондирилган буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Ўртача тортилган ставка %
29.01.2026	28039UMFS	1074	200	2 110	209	13,51%
29.01.2026	28039UMFS	1074	100	460	105	13,33%
29.01.2026	21220CBUSS	7	45 000	40 507	40 507	14,00%

2026 йилда Марказий банкнинг ҳафталик облигациялари савдоларидаги битимлар ҳажми динамикаси, трлн. сўм



№	Идентиф. рақами	Сотиш нархи %	Даромадлилик	Харид нархи %	Даромадлилик
1	28031UMFS	107,05	13,19%	106,77	13,33%
2	28030UMFS	108,39	13,18%	108,11	13,33%
3	28017UMFS	108,07	13,11%	107,79	13,30%
4	28015UMFS	102,71	13,10%	102,44	13,30%
5	201006UMFS	106,37	13,09%	106,09	13,30%
6	26043UMFS	108,54	12,64%	108,26	13,23%
7	26031UMFS	105,57	11,35%	105,29	13,03%
8	26029UMFS	107,32	5,74%	107,04	14,81%

Манбалар: cbu.uz, uzrvb.uz

Марказий банкнинг облигациялари савдолари

Марказий банкнинг ҳафталик облигациялари аукцион натижаларига кўра буюртмалар ҳажми сезиларли ошиб бормоқда, яъни **29 январь** кунни буюртмалар ҳажми **40,5** трлн. сўмга етди. Бунда даромадлиликнинг максимал чегараси асосий ставкага боғланган бўлиб йиллик **14,00%** ни ташкил қилади. Эълон қилинган ҳажм **45,0** трлн. сўмни ташкил қилди.

Даромадлилик эгри чизиғи


ДҚҚ даромадлилик эгри чизиғи (миллий валютадаги қарз воситаларининг нархлари ва муддатлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи график) **28 январь** ҳолати учун **3** ва **5 йиллик** давлат қимматли қоғозлари бўйича мос равишда **14,00%** ва **15,32%** ларни ташкил қилди. Даромадлилик эгри чизиғи келгуси иқтисодий шароитлар ва инфляциян жараёнлар тўғрисидаги кутилмаларни шакллантиришга имкон яратади ва муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Cbonds

АТБ «Asia Alliance Bank» Ўзбекистон облигациялар бозорини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Банк облигациялар бўйича энг аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этувчи МДҲдаги энг йирик портал – **Cbonds** учун Ўзбекистон ДҚҚ котировкалари етказиб берувчисига айланди. Ҳозирги вақтда Банк **8 та нашр** бўйича савдо маълумотларини тақдим этади (03.02.2026).


Валюта бозори

Валюта жуфтлари	30 январь ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
EUR/USD	1,1850	0,19%	0,87%	13,72%
USD/RUB	76,00	0,66%	-4,40%	-23,42%
DXU	96,99	-0,62%	-1,27%	-10,19%
XAU/USD	4 865,4	-2,36%	11,94%	76,43%
USD/CNY	6,9518	-0,17%	-0,64%	-4,13%
USD/JPY	154,77	-0,61%	-1,05%	-0,28%




Январь ойи охирида евро **1,19 доллар** атрофида барқарорлашди, бу тўрт йиллик энг юқори кўрсаткичга яқин бўлиб, долларнинг умумий заифлиги фониди ойига **~1,5%** га ўсди. Доллар босими АҚШдаги сиёсий ноаниқлик (тариф таҳдидлари, Федерал захира тизими танқиди, ёпилиш хавфи) ва заиф кутилмаларни кучайтирди, еврохудуд иқтисодиёти эса **2025 йилнинг IV чорағида 0,3%га** ўсиб, прогнозлардан ошиб кетди. Рубль қаттиқ валютага бўлган паст талаб (импортнинг қисқариши) ва Россия банки томонидан юқори фоиз ставкалари фониди уч йиллик энг юқори кўрсаткичга етди ва **76-77** оралиғида сақланиб қолмоқда.

Пул бозори




Яқинда АҚШ Федерал захира тизими 2025 йилда бир қатор пасайишлардан сўнг асосий ставкани **3,50-3,75** фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирди. **ЕМБнинг 2026 йил 5 февралда** бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишида ставка ўзгаришсиз қолиши кутилмоқда. **Ўзбекистон Марказий банки** инфляция хатарлари ҳали ҳам мавжудлигини, аммо келажақда вазият яхшиланиши билан пасайиши мумкинлигини таъкидлаб, ставкани **14 фоизга** сақлаб қолди. Россия Марказий банки **2025 йилда** ставкани босқичма-босқич **21 фоиздан 16 фоизга** туширди, аммо кейинги қадамлар нархлар ва иқтисодиёт динамикасига боғлиқ.

Хомашё бозори



Қимматбаҳо металллар нархи кескин тушиб кетди, чунки инвесторлар рекорд даражадаги юқори кўрсаткичлардан кейин ва **Кевин Уоршнинг Федерал захира тизими раҳбари** этиб тайинланиши эҳтимоли фониди фойдани қайд эта бошлади. Бу мўътадилроқ пул-кредит сиёсати кутилмаларини кучайтирди, бу эса долларни мустаҳкамлади ва АҚШ доллариди ифодаланган металлларнинг жозибадорлигини пасайтирди. Бозор ҳам кескин ўсишдан кейин тузатишни бошдан кечирмоқда, ноаниқлик ва яқинлашиб келаётган Хитой байрами фониди ўзгарувчанлик сақланиб қолмоқда.



Нефть нархи Эрондан етказиб беришдаги узилишлар ва геосиёсий кескинлик хавотирлари туфайли ошди. **1 февраль** кунди **ОПЕК+** март ойи учун ишлаб чиқаришни кўпайтиришда паузани тасдиқлади, бу эса котировкаларни қўллаб-қувватлаши мумкин эди. Бироқ, **2 февраль** кунди Трампнинг Эрон билан музокаралар ҳақидаги баёнотлари ортидан нархлар бир баррель учун 3 доллардан кўпроққа тушиб кетди, бу эса геосиёсий хавфни камайтирди. Январь ойида совуқ об-ҳаво, захираларнинг пастлиги (тахминан **43%** тўлдириш) ва Яқин Шарқдаги геосиёсий хатарлар фониди еврохудудда газ нархи тахминан **37%** га ошди. Ой охирига келиб, газ таъминотнинг яхшиланиши, жумладан, бўронлардан кейин АҚШдан СТГ етказиб беришнинг тикланиши туфайли **~€38,1 МВт·с 3%** дан кўпроққа арзонлашди.

Охирги ҳафтанинг асосий воқеалари



"Металл инқирози": АҚШнинг қатъий пул-кредит сиёсати ва долларнинг мустақамланиши билан боғлиқ кайфиятнинг ошиши фонида қимматбаҳо металллар ва криптовалюталар нархи қулади. Манба: The Guardian.



UBS 2026 йилда олтин бўйича мақсадли кўрсаткични 6 200 доллар/унцияга кўтарди: банк таҳлилчилари олтинга бўлган кучли талабни кутмоқдалар, гарчи йил охирига келиб бу кўрсаткичга ўртача тузатиш киритилиши мумкин **5 900 доллар/унция**. Манба: Reuters



Глобал акциялар тарихий максимумларни ўрнатди: S&P 500 ва Nasdaq индекслари баъзи йирик компанияларнинг заифлигига қарамай, корпоратив ҳисоботлар атрофидаги оптимизм туфайли рекорд даражага етди. Манба: Reuters

Waymo янги молиялаштириш босқичида тахминан **16 миллиард доллар** жалб қилишни режалаштирмоқда, бу компанияни тахминан **110 миллиард долларга баҳолайди**. Маблағларнинг катта қисмини (**тахминан 13 миллиард**) **Alphabet** бош компанияси, қолганини эса йирик инвесторлар киритиши мумкин. Бу автоном роботоаксилар бозорига бўлган юқори қизиқишни акс эттиради ва Waymoning соҳадаги етакчи сифатидаги мавқеини мустақамлайди. Манба: Reuters.



Лондон бозорлари барқарор нейтрал бўлиб қолмоқда: геосиёсий тебранишлар фонида **FTSE 100** тор доирада қолиб, заиф соҳаларни металлургия компанияларининг ўсиши билан қопламоқда. Манба: Reuters



Халқаро валюта жамғармаси янгиланган шарҳида (WEO) **2026 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиши 3,3 фоизни** ташкил этишини **прогноз қилган**. Технологияларга инвестициялар ва хусусий секторнинг савдо тўсиқларига мослашувчанлиги асосий драйверлар сифатида кўрсатилган. Манба: IMF.



Гонконгнинг энг йирик банки HSBC 30 январь куни **компьютер тармоғида кенг кўламли** узилишга дуч келди, бу эса онлайн банкингни бир неча соатга фалаж қилди. Бу **Hang Seng Bank** қўшиб олиш жараёни фонида содир бўлди.



АҚШ президенти Доналд Трамп Американинг энг йирик банки **JPMorgan Chase** ва унинг бош директори **Жейми Даймонга** қарши **5 млрд долларлик даъво аризаси** киритиб, уларни сиёсий сабабларга кўра ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатишни тўхтатганликда айблади. Бу қадам Трампнинг Уолл-стритдаги йирик банклар билан кучайиб бораётган зиддиятини таъкидлайди, улар илгари унинг сиёсатидан фойда олишга умид қилишган, аммо энди қаттиқроқ ва олдиндан айтиб бўлмайдиган босимга дуч келишмоқда. Манба: Reuters



28 январь куни бўлиб ўтган йиғилишда **Ўзбекистон Марказий** банки инфляциянинг давом этаётган пасайиши ва барқарор иқтисодий фаолликка жавобан **ставканинг ўзгаришсиз қолишини тасдиқлади**, **2026 йил учун** инфляция **прогнози 6,5 фоиз атрофида**.

Марказий банк маълумотларига кўра, жорий қатъий пул-кредит сиёсати ва сўм алмашув курсининг мустақамланиши таъсирида йиллик инфляция даражаси **7,3 фоизни** ташкил этиб, базавий инфляция йиллик **5,7 фоизгача пасайди**.

Ўзбекистонга пул ўтказмалари **2025 йилда 18,9 миллиард долларга** етди: трансчегаравий ўтказмалар ҳажми 2024 йил даражасига нисбатан **27 фоиздан кўпроққа ошди**, бу эса хорижий валюта таклифини қўллаб-қувватлайди ва сўмни мустақамлайди.

Ойлик кутилаётган воқеалар



5 февраль куни **Европа Марказий** банки ва **Англия** банки йиғилишлари бўлиб ўтади, уларнинг яқунлари бўйича **фоиз ставкалари бўйича қарорлар қабул қилинади**. Бозорнинг консенсус кутилмалари ставкаларнинг ўзгаришсиз қолишини назарда тутаяди, бунда инвесторларнинг эътибори регуляторларнинг инфляция ва пул-кредит сиёсатини юмшатишининг мумкин бўлган муддатлари бўйича шарҳларига қаратилади.



15-23 февраль кунлари **Хитойда Ой тақвими бўйича Янги йил байрами** нишонланади. **Хитой янги йилида** банклар ва аксарият молия муассасалари **ўз фаолиятини тўхтатади**, юандаги тўловлар ва валюта ўтказмалари бўйича операциялар мавжуд бўлмайди ёки чўзилади. Банклар байрам ҳафтаси тугагандан кейингина одатий иш режимига қайтади.

Ушбу ҳужжат фақат ахборот мақсадлари учун мўлжалланган ва ҳеч қандай молиявий инструментни сотиб олиш ёки сотиш таклифи эмас, шунингдек, индивидуал инвестиция тавсияси сифатида қаралмаслиги керак.

Ундаги маълумотлар оферта, оммавий оферта ёки инвестиция фаолиятида иштирок этишга таклиф ҳисобланмайди. Ҳужжат даромадлилик кафолатларини ўз ичига олмайди, инвестиция мақсадлари, молиявий ҳолати ёки муайян инвесторнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Инвестиция қарорларини қабул қилишдан олдин рисклар, фойдалар, шунингдек, юридик, солиқ ва бошқа оқибатларни мустақил баҳолаш тавсия этилади. Даромадлилик бўйича илгари эълон қилинган маълумотлар келажакда шунга ўхшаш натижаларни олишни кафолатламайди.

Ҳужжатда ишлатилган логотиплар ёки савдо белгилари (агар мавжуд бўлса) фақат маълумот учун тақдим этилган ва тегишли брендларнинг ҳамкорлиги, маъқулланиши ёки рекламасини англатмайди.

Ушбу материалдаги атамалар ва таърифлар фақат кўриб чиқиляётган молиявий воситалар доирасида қўлланилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган юридик таърифларга мос келмаслиги мумкин.

Материал очиқ манбаларга асосланган, маълумотлар олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин. Ташкilot тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун жавобгар эмас.

Ушбу шарҳ давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган. Тил версиялари ўртасида ҳар қандай тафовут ёки фарқ бўлган тақдирда, рус тилида баён этилган матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

Эътиборингиз учун раҳмат!

"Asia Alliance Bank" АТБ

Ҳазначилик бошқармаси

Махтумқули к., 2А, Тошкент ш., 100047

Тел: +998 71 231 60 00 (1241) | (1048)

e-mail: Davron.Mahmudov@aab.uz, Azizbek.Suyunov@aab.uz

вебсайт: www.aab.uz

